

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 95-ҳадис

95 – وَعَنْ مُعَاوِيَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ يُرِدِ اللَّهُ بِهِ خَيْرًا يُفَقِّهْهُ فِي الدِّينِ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Муовия розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ кимга яхшиликни ирода қилса, уни динда фақиҳ* қилиб қўяди», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

* Фақиҳ – моҳиятни чуқур англайдиган, билимдон, дақиқ тушунувчи.

Шарҳ: Миллатни ривожланишида таълим улкан воситадир. Таълим инсон шаънини юксалтириб, дунёю охиратда инсон қадрини баландлатади. Аллоҳ таоло бу ҳақда: **"Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража-мартабаларга қўтарур"** дейди. (Мужодала сураси, 11-оят).

Шаръий, исломий илмлар мусулмон кишини истиқоматда, яъни тўғри йўлда юришини таъминлайди. Ким динда фақиҳ, яъни билимдон бўлса, демак Аллоҳ таоло унга яхшиликни ирода қилибди. Мусулмон киши ибодатини тўғри қилишига элтувчи билимларда кам бўлсада фақиҳ бўлишга уриниши яхшидир.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Агар Аллоҳ бир мусулмон бандага яхшиликни истаса, динини тушунадиган, фақиҳ қилиб қўяди.
2. Динда фақиҳ бўлиш кўп китоб мутолаа қилиш ва Аллоҳнинг тавфиқиға мушарраф бўлиш орқали эришилади.
3. Ислом умматини юксалишига хизмат қиладиган дунёвий илмлар ҳам шариат талаб қилган илм ҳисобланади.
4. Аллоҳ уламоларнинг даражасини омидан, оддий мусулмондан афзал

қилиб, жаннатда юқори даражаларга кўтариши- мусулмон умматига маълум ва машҳурдир.

5. Шайх Муҳаммад Ғаззолий: **"Мусулмон киши барча нарсада маърифатли, мутахассислиги устида қаттиқ ишлайдиган ва барча нарсдан хабардор бўлади"**, деганлар.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI